

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 71 (6.560)

1988 йил 28 март, душанба

Баҳоси 3 тийин

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдида

Сифат учун қайғуриш-ҳамманинг иши

Ленинград пўлат прокати заводига посилка жўнатилади. Унинг ичига Нева бўйидаги шаҳарда кабелларни антрхаш учун тайёрланган брак пўлат ленталарнинг қийимлари қозога яхшилаб ўраб жойлаштирилган эди. Тошкент кабелчилари посилка билан бирга ўзларининг бир қатор эътирозлари ёзилган хатни ҳам қўшиб жўнатишди. Бундай кабеллар тайёрланганидан цех ишчилари ўзларининг цех партия мажлисларида шу қарорга келган эдилар.

— «Биз брак маҳсулотлар билан қачонгача мурося қилишимиз мумкин?» — деди ўшанда ишчилардан бири А. Мирхайдаров. — Шерикларимиз панд бериб қўйиш-япти, ўзимиз эса «километрлаб» кабел тайёрлашга ўрганиб қолганмиз, аммо қанақа кабел чиқараётганимиз ҳақида унчалик ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Натижада маҳсулотларимизни давлат қабули бракка чиқармоқда, коллективимиз эса фойдадан маҳрум бўлмоқда.

— Маънавий жиҳатдан эскириб қолган ускуналар ҳам кўпинча панд бермоқда, — деди слесарь В. Котов. — Уларни соғлаб улгурол-маямиз.

Мажлисида биронта одам сукут сақламади. Брак маҳсулот муаммоси ҳаммага тегишли бўлиб, корхона энди-гина ўзини ўзи пўл билан қоплаш ва ўз харажатларини ўзи таъминлашга ўтишга тийгарлик кўраётган вақтлар эди. Иқтисодий ўқув тўғрисида машғулотларида ишчилар ўз маоши бундан бўён улар қанча иш бажарганликларига эмас, балки тайёрлаган маҳсулотларининг давлат қабулидан ўтиши ёки ўтмаслигига ҳам боғлиқ бўлиб қолганини чуқур англаб етдилар.

Мажлисида яқун асосийда ганида иқтисодий ўқув тўғрисида тингловчилари — коммунистлар партия бюросидан технологияга риоя этиш назоратини қўнайитиришни талаб қилдилар. Цех хизматчилари сифат юзасидан маҳсулот технология паспорт тайёрлашлари кераклигини тўғрисида таклиф қилишди. Бу масалани ҳал этишга мутахассислар жалб қилинди. Ордан бир ҳафта ўтиши биланоқ зирхловчиларга ана шундай ҳужжат топширилди.

Эндиликда зирхловчи ана шу ҳужжатга биноан, ишлаб турган машинани тўхтатмаган ҳолда, кабелнинг қайси ерида брак борлигини сезса, шу заҳотиёқ уни техника

паспортига қайд этади. Барабан тўлагач, ҳужжатни ўзининг шеригига кабел буюмлари монёрига узатади ва монёр ана шу камчиларни шакл-шубҳасиз бартараф қилади.

Партия бюроси мажлис қарорини бажара бориб, цех халқ контроли комитетига шериклардан келатган ярим фабрикаларни аввал текшириб кўришни тавсия қилди. Шу тариқа, резина тайёрловчи бўлим етказиб бераётган эгилувчан шланг кабелларини қоплаш учун тайёрланган қорималар сифатсиз эканлиги, тайёрлов цехидан эса турли узунликдаги мис симлар келтириладиганлиги, натижада юзлаб метр камбел кабел чикита чиқариб юборилганлиги шу заҳотиёқ аниқланди. Хўжасизликка хотиما берилди. Энди ундай қилманглар, бундай қилманглар, деб ялиниб-ёлвориб ўтирмасдан, бракчиларга жарима солинадиган бўлди. Текшириш натижаларига кўра тузилган актга биноан, тайёрлов цехи коллективга брак маҳсулот етказиб бергани учун 300 сўмдан ортиқ жарима солинди. Эҳтимол, бу унчалик кўп сумма эмасдир, лекин қўрилган қатъий чора-тадбирлар шерикларни жиддий ўйлашга мажбур қилди.

Юқорида айтилган посилкани олгач, корхонага Ленинград заводининг вакиллари ҳам келиб қолди. Улар ишчиларнинг эътирозларини диққат билан ўрганишди, бу эътирозларни таҳлил этишди, камчиларни тўғатиш юзасидан биргаликда тадбирлар белгиланди.

— Мен барча цех партия мажлисларида қатнашаман, — дейди давлат қабули вакили Н. Соколов ўзТАГ мухбирига. — Шу сабабдан улар қабул қилган қарорларнинг самарадорлигини, коммунистлар тақлифлари амалга оширилишини мўтлақо ҳолис баҳолай оламан. Яқингинада ўтказилган текшириш натижасида зирхланган кабелларнинг 37 проценти брак эканлиги аниқланган бўлса, ҳозир эса брак маҳсулотлар ўн барибар озади. Қисқа ўлчамли кабеллар проценти нормадан гадан анча камайди. Цех коммунистлари ижобий ишчиларни мустаҳкамлашга интиломоқдалар.

Зирхли кабеллар цехи партия ташкилоти цехда янги ускуналарни ўрнатишга талаб қатъийроқ ҳаракат қилмоқда. Бу ускуналар сопи олиганига анча бўлган, лекин узок вақтдан бери завод омборларида чанг босиб ётган эди.

28 мартдан—
3 апрелгача

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажинов тахрири остида.

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафта-нинг аксарият кунлари Тошкентда об-ҳаво ўзгариб туради. Қарорат кечаси 0-5 даражадан 4-9 даражагача, кундузи 7-13 даражадан 14-19 даражагача тебраниб туради. Умуман ҳафтанинг ўртача қарорат оdatдаги нормадан 1-2 даража паст келади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг мадди об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига қараганда об-ҳавонинг ўзгариб туриши, вақтеакти билан ағирлашгани бўлиб, босимнинг кўтарилиб-пасайиб туриши об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча гуруҳдаги беморларга нохуш таъсир этади. Об-ҳаво ноқулай ва нисбатан ноқулай даража ўрта-сида ўзгариб туради.

Об-ҳаво ва
саламатлик

Бундай об-ҳаво шароити об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан, шифохоналардаги беморлар билан бир қаторда уйда довланаётган барча гуруҳдаги беморлар устидан медицина назоратини қўнайитиришни тақозо этади. Айниқса қон босими, юракнинг ишемик хасталиги, бош миаянинг қон томирлари ва яллиғланиши, ўпка ва бўғинлар хасталиги бўлган, об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга эътиборни қўнайитириш лозим.

Юрак-қон томир хасталиклари, айниқса қон босими бўлган беморларнинг қон босимини профилактика мақсадларида, врачларнинг тавсияси билан ўлчаб туриш, лозим бўлган ҳолларда қон босимини мўътадиллаштирувчи доридармонларни, антиспазмик препаратларни бериб туриш зарур.

Бўғинларнинг, марказий ва периферик асаб системаси яллиғланиши хасталиги бўлган беморларга тегишли комбинацияларда орқини қолдирувчи препаратларни тайинлаш тавсия этилади.

Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча беморларга врачларнинг кўрсатмаси билан антивазоспастик қабул қилиш, қармоқ ҳаракат қилиш, жисмоний зўриқмаслик тавсия этилади.

ЗАМОНДОШИМИЗ



«Тошкент оқшом» сайёр редакцияси Чилонзор районида

Кўнгил севган маскан

Глиэр номидаги маданият уйи Чилонзор районининг етакчи санъат даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бу ерда дисколуб, қўғирчоқ театри, драма, рақс, доирачилар, цирк ва шунга ўхшаш бир қатор тўғараклар иш олиб бормоқда.

Санъат шайдолари орасида ёшлар ҳам, кексалар ҳам бор. — Маданият уйимизда ташкил этилган рақс тўғарига 60 киши қатнашади, — дейди биз билан суҳбатда маданият уйининг директори Э. П. Биюнова. — Қизларимиз СССР халқлари рақсларини маҳорат билан ўзлаштириб, ижро этишмоқда.

Маданият уйи қатнашчилари совет композицияларининг сўнгги ижод намуналаридан тайёрланган катта программаларини шайхримиздаги қариялар уйда, мактабларда, болалар уйларида, маҳалла комитетларида ва ҳатто мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида намойиш этдилар.

Мароқли суҳбатлар

Студент-ёшларни халқлар дўстлиги, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялашда, партия ва ҳукуматимиз қарорларини оммага етказишда халқ университетлари муҳим роль ўйнамоқда. Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтига «Билим» жамияти Чилонзор район ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган икки йиллик «Халқлар дўстлиги» халқ университети ҳам ўн икки йилдан бери самарали ишлаб келмоқда.

Бугун француз тили факультетида бўлиб ўтган навбатдаги машғулот «XXI асрда яшаш ва ишлашга тайёрийми?» мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, фалсафа фанлари доктори, про-

фессор Т. С. Саидбоев, шу институтнинг этика ва эстетика сектори mudiri, фалсафа фанлари кандидати Б. З. Умаров, Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг генетика кафедраси mudiri, биология фанлари доктори, профессор А. Т. Оқилловлар иштирок этдилар.

«XXI асрда яшаш ва ишлашга тайёрийми?» мавзусидаги баҳсда айниқса, ватанпарварлик, ўртоқлик ва дўстлик, интернационализм, қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик тўғрисидаги давра суҳбатлари тўрт юздан зиёд тингловчида яхши таассурот қолдирди.

Маданият уйида янги-янги тўғараклар тузилиши, иш сифатини яхшилашга оид қатор тадбирлар ҳам кўзда тутилмоқда. Улар яқин орада ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

Б. БАХРОМОВА.

С. РИЗАЕВ, Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг халқ университети ректори.



© Чилонзор районида жойлашган СССР Халқлари дўстлиги майдонининг бутунги кўриниши.

1988 йил 28 март эт

Б у ю к а д и б н и н г и з д о ш и



Буюк санъаткор Максим Горький ўз ижоди билан улкан мактаб яратган адибдир. Пролетар адабиётининг асосчиси, бадий сўз устаси Максим Горький билан атоқли ёзувчи ҳамда олим устод Садриддин Айнийнинг ҳаёти, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари бир-бирига ўхшашиб кетмадики, бу хил мутаносбликни бошқа ёзувчиларда учратини анча мушкулдир.

Садриддин Айний М. Горькийни ўзининг биринчи даражали устози деб билиди. У буюк санъаткор билан бир сафда туриб, кўпмиллатли совет адабиётининг бир бутунлиги учун кураш олиб борди, яшаш ва ижодига Горький анъаналарига содиқ қолди. С. Айний Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги 30 йилдан ортиқроқ ижтимоий ва ижодий фаолиятида улуғ санъаткор ижодий анъаналарини давом эттириб, баркамол асарлар яратди.

М. Горький отаси — мебель ясовчи уста Максим Саватиевич Пешков ва онаси — Варвара Васильевна Каширинадан 9-10 ёшларида ажралди. Бобоси Каширин ва бувииси Акулина Ивановна Каширинанинг қўлида боқим бўлиб қолган ёш Пешков учинчи синдаёқ ўқиниш ташлаб тирикчилик учун турли оғир ишларни, уй хизматчиси ва қоровуллик қилди, новвойлик ва парохотда идиш-товоқларни ювиш каби хизматлари бажарди. Бир сўз билан айтганда, унинг болалиги ва ўсирлиги йиллари янгилик ва қўбатили бўлди. Ёзувчи ёшликда турган азоб-қўбатлари, сарсон-сардорчиликларини ўзининг кейинчалик ёзган машҳур автобиографик трилогияси — «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг дорилфунунларим» асарида батафсил ҳикоя қилиб беради.

Ёзувчи С. Айнийнинг ҳам ёшлик ва ўсирликлари йиллари Пешковникидан ўта машаққатли бўлади. Вухорода кенг тарқалган вабо ёш Садриддинни 11-12 ёшида ота-онадан жудо қилади. «Отадан мендан бўлак уч бола қолди: акам — Муҳиддин мендан саккиз ёш катта эди. Мен ўн бир-ўн икки ёшда эдим, катта укам Сирожидин тўққиз ёшда ва кичкина укам — Киромиддин тўрт ёшда эди», — деб ёзган эди С. Айний ўз таржима ҳолида. Ҳа, ёш Айнийнинг ҳам ёшлик давлари ўз устози Горькийникидек аччиқ ва аламли ўтди. У Вухородаги Мирабоб, Олимжон, Ҳожи Зоҳид, Бадалбек мадрасаларида таҳсил қилиб, муллаваҷчаларнинг кириши ювиб, овқатини пишириб, бирозларнинг уйда хизматкор бўлиб юрди. Ёзувчи худди Горькийдек ўзининг машаққатли ўтмишини «Аҳмади девбанд» (1928 йил), «Эски мактаб» (1935) ва «Эсдаликлар» (1949—1954 йиллар) каби асарларида батафсил ҳикоя қилиб беради.

Ёзувчи Садриддин Айний устоз Горькийдан нималярини ўрганди ва ўз ижодида Горький ўғитидан қандай фойдаланди? С. Айний бошқа ёзувчилар қатори ўз салафларидан, биринчи навбатда Горькийдан социалистик реализм методини ўқиб ўрганди. Новаторлик маҳоратини эгаллади. Бадий асар гоёси, тема таллаш, сюжет ва композиция, образлар яратиш, портретлар чиқиш ва энг муҳими ҳаётини революцион тараққиётда кўрсатиш методини дастлаб устод Горькийдан ўрганди ва ўзининг «Қўллар», «Етим» ва «Эсдаликлар» асарларида масаланинг бу томонини амалда кўрсатди.

Горький ўзининг машҳур «Она» романида инкилобдан аввалги капиталистик Россиядаги ёзувчи ва эзилувчилар синфининг бир-бирига қарши курашини, бу курашда

эски замон устидан янги ҳаёт талабасини кўрсатса, С. Айний ҳам «Судхўрнинг ўлими», «Дохунда», «Қўллар» ва «Етим» каби бадийи полотноларида ўрта Осиёда феодал зулмга қарши халқнинг революцион кўтарилишларини, меҳнаткаш халқ оммасининг ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши кураши ва бу янги ҳаёт учун кураш талабасининг буюк тантанасини кўрсатди.

М. Горькийнинг С. Айнийга кучли ижодий таъсири бошқа формаларга қараганда таржима орқали кўпроқ бўлди. С. Айний М. Горький асарларини тожик тилига қилинган таржималарида адабий муҳаррирлик қилар экан, бунда улуғ санъаткордан дастлаб социалистик реализм принципларини, рус адабиёти гузаллигини, тил бойликларини ўрганади.

Кўп миллатли совет кишиларнинг интернационал дўстлик симфонияси 1934 йил август ойида Москвада бўлиб ўтган ёзувчиларнинг Бутуниттифок I съезидида яна кучлироқ янгради.

«Съезд минбаридан М. Горький шаклан миллий, мазмунан социалистик характердаги кўп миллатли улкан совет адабиёти, ва санъати ютуқлари, унинг вазифалари тўғрисида кучли ҳаяжон билан гапирди.

С. Айний устози Горький билан учрашиб, у билан адабиёт ва санъатининг келажак тараққиёти тўғрисида узок суҳбатлашган эди. М. Горький ҳақидаги ўчмас таассуротларини С. Айний ўзининг «Гулистон» журналининг 1938 йил, 4-сонияда эълон қилинган «Буюк устознинг унутилмас хотираси», «Доно муаллим», «Унутилмас сиймо», «Горькийдан ўрганганларим» каби қатор мақолалари ва бадий очеркларидида батафсил ҳикоя қилиб беради.

Горькийча инсонпарварлик ҳислатларини ўзиди мужассамлаштирган С. Айний худди устоз Горькийдек ҳар бир ижод аҳлига меҳрибон ва дилкаш сиймо эди.

Горькийнинг бутун ҳаёти, барча асарлари, айтган фикрлари гуманизм, одамларга, оддий меҳнаткаш халққа самимий муҳаббат гоҳлари билан йўғриландир. «Горький юзлаб ёзувчилар билан шахсан хат ёзишиб турар, учрашар, дўстлашар, ҳеч қандай ўз ёрдамини аямас, тўғри йўлни топиб олишга қўмақлашар, буни чин юракдан, оқ кўнгиллик билан қилар, ёшларни айрича бир муҳаббат билан тарбиялар эди», деб ёзган эди С. Айний. Ёш ижодкорларни Горький ижодини ўрганишга даъват этиб, горькийча яшаш ва ижод қилиш методларини ўз ижодида сингирди Айний ёш ижодкор ёзувчи ва шoirлар билан олиб борган кўп сонли ёзишмаларида, учрашувлар ва йиғилишларида қилган суҳбатлари ва сузлаган нутқларида ёшларни доимо устоз горькийча яшаш ижод қилиш ва Горький анъаналарини давом эттиришга чақирди.

Машҳур ёзувчи ва драматург А. М. Горький ижод мактабидан таълим олган ва олаётган юз-юзлаб ижод аҳли сингари зулсонайн адиб Садриддин Айний устози Горький мактабидида камол топиб, ижодий етуқликка эришди ва ўзи ҳам ижодида ўзига хос мактаб яратди. Дунёда энг қудратли ва энг адолатли бўлган кўп миллатли совет адабиётида тинчлик, бирлик, интернационал дўстлигини қулаган икки адиб, икки дўст — Алексей Максимович Горький ва Садриддин Айнийлар мактаби энг муқаддас ва ибратомуз мактабдир.

Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати,
доцент.

Сахрон Кабирнинг қоқ ўртасида туғилган бадавондан сўраб кўринг: «Сен туғилган юрт қандай жой?» дегн. Ҳеч иккиламасдан шундай дейди: «О, менинг ота юртим! У жойларни кўрмасан, дунёга келмасан! Бунақа соя-салқин шабадалар, бунақа бог-роғлар жаннатда ҳам бўлмайди».

Тундрада туғилиб эсини танитган эвендан суриштириб кўринг: «Сен туғилган жой қанақа жойлар?» дегн. У ҳаяжон билан шундай дейди: «Менинг юртимни кўрмасан, дунёга келмасан! Ферузадек тинч осмони, қарақлаган қайноқ кўшини бир марта кўрган одам менинг юртимдан кетолмай қолади».

Ҳар иккаласининг ҳам гапи тўғри! Ўзининг киндик қони тўкилган манзилни яхши кўрмаган одам ҳеч қачон чинакам инсон бўла олмайдн. Негаки, Ватан дегн улуг тушунча ҳар кинининг ўз оstonасидан бошланади. Ўз оstonасини беҳурмат қилган одам ер юзининг бирон нуқтасини чин дилдан яхши кўролмайди.

Мен Дўмбрободда туғилганман. Дўмбробод деганда баҳор кезлари пуштиранг-оқшн гулларга бурканган ўрикзорлар, олмасзорлар, ноқзорлар кўз ўнгимга келади. Дўмбробод деганда ёз фасли! Қоңқус анҳориди чўнлиб илғн тупроқда чалқанча ётганча тинч осмонда беозор сузиб юрган яккам-дуккам булутларни томоҳа қилганим кўз ўнгимга келади. Куз фасллари Бўрижар бўйидаги сирли оёсийи-талиқ чўккан ёнғоқзорларда сайраган зағизгонлар кўз олдимга келади.

Болалик ҳеч қачон қайтиб келмайди. Шунинг учун у инсон ҳаётининг энг ширин дамлари бўлиб қолади: топилайдиган нарсга ҳаммиша азиз бўлади.

Урушдан кейинги йилларда халқ ишчиларни оғиб улдурмаган жангчилар — Ойил Қасимов, Зўхриддин Сирожиқдиров, Абдусабир Набиев, Усмоҳ Абдуллаев, Қўчқор Турсунов сингари муаллимларимиз биз — болаларга илк бор ҳаёт сабогини ўргатганим эди...

Яхшилик одамнинг ёлдин қимйи-ди. Бир ён Тирсан, бир ён Дўмбробод манзиларига Ачинский деган врач хизмат қиларди. Бу одам шу қадар фариштали, шу қадар таърибали табиб эдики, одамлар уни узоқдан кўришн билан қўлини кўксига қўиб салом берадн. Яна шуниси эсда қолган-ки, Ачинский ҳам, рус тили ўқитувчиси Николай Антонович Запрудский ҳам ўзбек тилини сувдек билишар, оддий қоровулдан тортиб мактаб директоригача (шу пайтларда ўқитувчилар, директорлар энг обрўли одамлар саналарди) ҳамма билан ака-ука бўлиб кетишган тўйда ҳам, маъракада ҳам эл билан баробар хизмат қилишарди.

Тақдиримдан хурсанд бўладиган

яна бир нарсга бор: бизнинг ҳовлимиз Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг Сталин номидаги пионерлар лагериди жойлашган эди. (У пайтларда ямоқчининг дўконигача Сталин номи билан аталарди. Майли, ҳозир қал бунда эмас). Рус болалари орасида ўдим. Дунёда боланинг дўстлигидек самимий биродарлик бўлмайди. Ўртоқларим менга рус тилини ўргатишар, айни пайтда ўзлари ҳам ўзбекча сўзларни ўрганиб олишга, иложи бўлса ўзбек тилида гаплашишга ҳаракат қилишарди... Қандай ширин дамлар эди!...

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

ОТА ЮРТ


Тарихий ҳужжатларда Дўмбробод номи қачон биринчи марта тилга олинганини билмайман. Лекин атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикоясида шундай сатрлар бор: «Биз акамга Дўмбровот гузариди учрадик. Акамлар самоварчиға палов дамбаб бўлиш учун ўзаро пул йиғиб беришганидан кейин яна йўлга тушдик... Бугун ёшн бир жойга бориб қолган кексалар бир замонлар бу ерда Мирсат дўмбра деган киши ўтган. Ўша одам киши кечалари чойхонага чиқиб дўмбра чашиб одамларнинг ҳоридининг ёзган. Дўмбробод деган ном шундан қолган, деб талқин қилишди. Нима бўлганда ҳам уруш бошлангунча қадар бу қишлоқда одамлар энг ашамангалиги маълум. Дўмбробод атрофлари Бешёғоч даҳасиди янги маҳаллада истиқомат қилувчиларнинг бог-қовиллари ҳисобланган. Бу ерга ёзда кўчиб келиб деҳқончилик қилишган. Қишда эса, тагин шаҳарга кўчиб кетишган. Абдулла Қодирий тасвири ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатимизнинг етмиш йиллик тарихи бошқа жойларда қандай кечган бўлса, миттигина қишлоқ — Дўмбрободда ҳам шундай ўтган. Улуғ Октябрь иккилобиний бўронлари, коллективлаштириш даврининг ютуқ ва фожиалари, Улуғ Ватан уруши даҳшатлари — ҳаммаси Дўмбробод тарихига ҳам даҳлдор. Ҳозир маҳалла марказида урушда ҳалок бўлган ҳамюртлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Унда 81 кишининг исм-шарифи ёзиб қўйилибди. Дўмбрободдан урушга кетган 152 йилитдан 81 нафари ҳалок бўлди.

муаллим бўлган. Жанг бошлангани билан фронтга кетиб, Москва оstonасида ҳалок бўлган. Бундан бир неча йил илгари фарзандлари унинг ҳоқини олиб келиб Дўмбрободга дафн қилишди.

Кейинги йилларда Дўмбробод таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ҳозир бу ерда 24 мингга яқин одам истиқомат қилади (ўртачаоқ бир район аҳолиси). Маҳаллада санат моллари магазинлар, новвойхона, бошқа муассасалар бор. Қўллаб миллат вакиллари оғанини бўлиб йшайдилар.

Яқинда Дўмбробод этагиди жойлашган, бир вақтлар ўзам ўқиган 201-мактабга учрашувга таклиф қилинди. Бу ерда ҳам бундан ўттиз йил илгари бизга таълим берган Мария она, Абдуллажон ака, Ислом ака сингари устозларимиз кўрдик. Кейинги йилларда рўй берган мислсиз ўзгаринларга гувоҳ бўлдик. Бир вақтлар биз тоисувоқ қилинган синфхоналарда ўтирдик. Бугунги мактаб биноси эса мутлақо янгиҳа лойиҳада қурилган. (Тошкентда шундай мактаблардан фақат иккита бор экан). Яна бир нарсатга ишонч ҳосил қилдикми, бугунги мактаб ўқувчилари ўттиз йил илгари бизнинг синфдошларимиздан кескин фарқ қилади. Билини чуқур, тили бурро, фикрлаши дадил. Демак, яна ўттиз йилдан кейин маъна шу йилгичалар бизлар қилмаган ишларни, бизларнинг иқтидоримиз етишмаган юмушларни ўн чандон яхшироқ удалай олишмади.



Чилонзор районида ишлаб турган марказий ўқув комбинати ҳайдовчилик касбига астойдил ихлос қўйган ёшларнинг севибли масканига айланиб борапти. Бу ерда ҳар йили ана шундай ҳаваскорларнинг 1500 нафари шофёрлик гувоҳномасини олади. Анвар Нишонов 1966 йилдан буён автокомбинатда инс-

трукторлик қилаётир. Ўз ишига талабчан бўлган бу инструкторнинг ҳар бир машғулотни ўзига хос, қизиқарли ўтмоқда. Ёшлар ундан транспортни бошқариш сирларини пухта билиб олишмаётир.

СУРАТДА: Анвар Нишонов ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Т. Каримов фотоси.

Куюнчаклик билан ёзилган

Ёлгон ваъдалар

Хўрматли редакция! Ешим 66 да, меҳнат ветераниман, 41 йилдир 2-болалар юкуми касалхонасининг дорихонасида хизмат қилиш билан бирга, 1969 йилдан буён Чилонзор районидаги «Катта Қозиробод» маҳалла комитетининг раиси бўлиб ишлаб келмоқдаман. Хизматим ва жамоат вазифаларини бажаришим тақозоси билан телефонга муҳтож бўлганимни учун 1981 йилда навбатга ёзилган эдим. Лекин етти йилдирки менинг бу орузим орзулгича қолиб келмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигидида ҳодимлар менинг шикоят-аризамни муҳокама қилишни Чилонзор район алоқа узели бошлиғи Саид Аъзамовга топширган эканлар. Ана шу топшириққа биноан район алоқа узелининг бошлиғи маҳалламизга келиб маҳалла активлари иштирокидида мажлис ўтказиб менинг телефонга бўлган илтимосимни қондириш масаласини муҳокама этди. Шундан сўнг у 10—15 кун мобайнида телефон уратиб беришга ваъда берди. Кейин мен телефон туширишга кетадиган тегишли маблагни кассага тўладим. Ўшанда киши-кундан кейин албатта, телефон қуриб берилмас, деган яна қатъий ваъдани беришди. Афсуски, ана шу ваъдадан кейин ҳам орадан саккиз ой ўтди. Лекин у ёлгонлиқча қолмоқда. Ёлгон ваъданинг чегараси бўлмадики, акир!

Ю. БАХРОМОВ,
Чилонзор район Қўшчирон қўчасидида 14-йўда истиқомат қилувчи меҳнат ветерани.

Эътибор керак

Чилонзор районининг Гагарин кўчасига жойлашган Фурқат номи марказий кутубхона катта библиографи И. М. Чернецкая бизга анчагина маълумотлар берди. Сўхбатдан маълум бўлдики, кутубхона 1952 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги пайтда у ерда 60 минг нусха китоб бор экан. Китобхоналарга 8 кишидан иборат ахил коллектив хизмат қилади. Е. В. Свердловска бошчилик қилаётган бу коллектив Ўзбекистон телевиденисига олиб бораётган «Китоб — бизнинг дўстимиз» кўрсатувининг актив иштирокчилари ҳамдир.

Аммо шуниси ачинарлики, шундай бой китоб фондига эга бўлган кутубхонада шартшароит қўнғилдигидек эмас экан. Хоналарни айланар экансиз, уларнинг торлиги, ремонтталаб эканлигининг гувоҳи бўласиз.

Қизиги шундаки, кутубхонага 8023 киши аъзо бўлсада, қироатхонага эса атиги 20 киши зўрга жойлашади. Унинг устига китоб жавонлари ҳам талаб даражасида эмас.

Қалбимизга эиб тарқатувчи китобларга нисбатан бундай муносабатда бўлиш, асло ярашмайди.

Н. ГУЛОМОВА.

Метросозларнинг коллектив пудрати

Мамлакатимиз экономикасини қайта қуриш, халқнинг ташиббусини ошириш кўп жиҳатдан бошлангич партия ташкилотларининг қай даражада аниқ ишлашга ва авангардлигига боглиқ. Ҳужалик ҳисоби усулларини ривожлантиришга трестимиз партия комитети анча аввал киришган эди.

Трестимизда 1985 йилнинг август ойидан бошлаб ялли тарзда коллектив пудратига ўтишни кенг йўлга қўйиш бўйича тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Бу борада эксперимент ҳам ўтказдик. Тажриба тариқасида 2-қурилиш-монтаж бошқармиси 1986 йилдан бошлаб коллектив пудратга ўтди, де шилай бошлади. Бу коллективнинг эришган ютуқлари бугун трест коллективни коллектив пудрати усулида ишлашга исролади. 1987 йилнинг 1 январидан бошлаб трест коллектив пудрат усулида ишлаб бошлади.

Коллектив пудратини ўрганишда, уни ҳамма бригадалар фаолиятига тадбиқ қилишда бошлангич партия ташкилотининг қилган ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. 1986 йил июнь ойида трест партия ташкилотининг мажлисида коллектив пудратини тадбиқ этиш билан боглиқ бўлган масалалар ўрганилиб чиқилди ва шу усулга ўтиш ишларига тезроқ киришиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Коммунистлар томонидан коллектив пудратининг асосий 3 принципини ишлаб чиқилди. Бу — коллектив иш, қилинган ишга қараб беришган ҳақ ва ишнинг коллектив томонидан бошқарилиши эди. Қурувчиларни, инженерларни, раҳбарларни коллектив пудрати шароитида ишлашга ўргатишни аввало иқтисодий ўқиниш ташкил этишдан бошлаб керак эди. Коллектив пудратининг ҳамма иш принципларини ва усулларини моҳиятини оғиб берадиган лекциялар, тушунтириш ишлари пухта олиб борилади. 1986 йил декабр ойига келиб эса меҳнат коллективи советлари юзгага кела бошлади. Бу билан боглиқ ҳамма ишларни тезда ҳал этишга эришдик.

Янгиликка ийтилиш ва иқтисодий ислохотни амалга ошириш билан боглиқ бўлган масалалар устиди пухта иш олиб боришнинг манфеати катта бўлди. Биринга ўтган йилнинг ўзиди коллектив пудрати афзалликларида самарали фойдаланганимиз эвазига ютуқларимиз ҳам қувончли бўлди. Барча иқтисодий-техник кўрсаткичлар бўйича давлат планларини муваффақиятли бажардик. Планага қўшимча бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ялли ҳажми 13 процентини ташкил этди. Яна икки станция: «Ташсельмаш» ва «Кчалов» ҳам-шаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади. Шу йили меҳнат унвдорлигини ошириш плани кўзда тутилганидан 25,8 процент ошди. Иш ҳақи белгиланганига нисбатан 117,8 процентга бажарилди. Ҳар бир қурувчи ҳисобига ўртача иш ҳақи 325 сўмдан кам бўлмади. Трест бўйича олинган даромад планга нисбатан 152,6 процентини ташкил этди. Бу йилги иш кўрсаткичларимиз ҳам кишини қувонтиради. Ҳозирча барча иқтисодий-техник кўрсаткичлар бўйича ўн иккинчи беш йиллигининг учинчи йили дастлабки кавартали план топшириқларини тўла удаллашимиз мумкинлиги аён бўлиб турибди. Ҳужалик ҳисобини жорий этиб яхши иш қилдик. Негаки, бу усулнинг афзалликларида ҳамма манфеатдор бўлади. Бу йилги иш натижаларимиздан юксаклириб тажрибали метросозларимизнинг, коммунистларнинг ҳиссалари катта. 2-қурилиш-монтаж бошқармисининг Рустам Қосимов, Михаил Ким, Георгий Люстер, Станислава Вишесловцев, 1-қурилиш-монтаж бошқармисининг Александр Глубокий, Валентин Поддубачук, 2-сонлиё отрядининг Вениамин Линаткин, Андрей Иванов сингари қўллаб метросозлари ана шундай таъабубдор коммунистлар қаторида тилга тушмоқда. Трестимиз партия ташкилотини трестнинг иқтисодий-техник кўрсаткичларини ўстириш билан бирга ўзини-ўзи бошқариш усулини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги пайтда ҳамма бригадаларда, бошқармаларда ва трестда меҳнат коллективлари советлари ишлаб турибди. Коллективда кўтарилаётган ҳамма иқтисодий, социал масалалар шу советлар йиғилишида қўрилиб, ҳал этилапти. Бу эса ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш, ошқораликни амалга ошириш пайтида қўйган илк дадил қадамимиз бўлди. Келгусида бажарадиган ишларимиз ҳам катта. Биринчи навбатда метронинг «Гафур Гулом» ва «Чорсу» станцияларини эксплуатацияга топширамиз. 1990 йилнинг охирида эса «Тинчлик» ва «Беруний» станцияларини топшироқчимиз. Шу йилнинг иккинчи ярмида эса Юнусобод линиясини қуриш билан боглиқ бўлган тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз.

Ҳар биримиз метронинг тез ва соз қурилишидан манфеатдормиз. Чўчки бу шаҳар пассажир транспортини яхшилашда катта ёрдам беради.

Х. МУСАЕВ,
«Ташметрострой» трести партия комитетининг секретари.

